

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 21 март, № 59 (8682) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!

**Муносабат**

*Жонажон Ўзбекистонимизда Наврўз шукуҳи ҳукм սураётган шу кунларда Президентимиз ташаббуси асосида олиб борилаётган улкан миқёсдаги бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг залварли натижалари ўзининг бутун бўй-басти билан намоён бўлмоқда. Инсон қадрини улуғлаш, аҳоли фаровонлиги ва иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар туфайли Ватанимиз жаҳон ҳамжамиятида демократик тамойиллар асосида жадал ривожланаётган давлат сифатида эътироф этилмоқда. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессиясини Ўзбекистонда, аниқроғи, Самарқанд шаҳрида ўтказиш бўйича қарор қабул қилингани ҳам фикримизнинг яққол далилидир.*



## ДУНЁНИ ЧОРЛАЁТГАН БОҚИЙ ШАҲАР

**Оқил САЛИМОВ, академик.**



Президентимизнинг шу йил 15 мартдаги “2025 йилда ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясининг Самарқанд шаҳрида ўтказилишига тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан танишар эканмиз, кўнглимизда шу муқаддас юртда туғилганимиздан ва яшаётганимиздан яна бир бор чексиз фахр ҳиссини туямиз. Бу бежиз эмас. Зеро, ушбу ҳужжатда белгилаб берилган вазифалар нуфузли халқаро тадбирни ўтказиш жараёнида Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ҳамкорлигини янада ривожлантириш билан бирга, “Ер юзининг сайқали” дея таъриф бериладиган Самарқанднинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

Қарорда таъкидланганидек, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўсини янада ошириш ва мустаҳкамлашда, икки ва кўп томонлама ҳамкорликларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришда ЮНЕСКО муҳим платформа вазифасини ўтаб келмоқда.

Бунинг натижасида 2017 — 2023 йилларда миллий маданий меросимизнинг 14 та ноёб намунаси ЮНЕСКОнинг рўйхатларидан жой олиб, инсоният мероси сифатида халқаро миқёсда эътироф этилди. Бухоро шаҳри Ижодкор шаҳарлар тармоғига киритилди. 2023 йил сентябрь ойида ЮНЕСКО Бош қароргоҳида буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллиги кенг нишонланди.

Албатта, нуфузли ташкилот саналган ЮНЕСКО ҳамма мамлакатда ҳам бундай оламшумул анжуманларни ўтказавермайди. Бунинг ҳам албатта, маълум бир сабаблари бор. Тарихий манбаларга қарайдиган бўлсак, азал-азалдан Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Самарқанд шаҳри Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубни ўзаро боғлайдиган, Европа, Осиё ва Африка қитъалари ўртасида савдо-иқтисодий, маданий ва илмий-технологик алмашинувлар макони бўлиб хизмат қилганига гувоҳ бўламиз.

Аҳамиятлиси, Ўзбекистон бутун Марказий Осиё минтақаси учун ҳам ҳамкорлик нуқтаи назаридан муҳим давлат ҳисобланади. Эътибор беринг: қирқ йилдан ортиқ вақт давомида ЮНЕСКО Бош конференциясининг сессияси илк бор Париж шаҳридан ташқарида, яна денг, она юртимиз Ўзбекистонда ўтказилиши, чиндан-да, тарихий бир воқелик саналади. Мазкур нуфузли тадбир Франциядан ташқари охирги марта София шаҳрида бундан 40 йил олдин ўтказилган эди.

➡ 2

## БАҲОРИ ГУЛГУН ХАЛҚҚА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

*Баҳорнинг гултожи ҳисобланган Наврўз Марказий Осиё ва Шарқ мамлакатларида яшовчи халқларнинг қадимий ҳамда энг азиз байрамидир.*

*Юртимизда ҳам ҳар йили бу кун янги йилнинг бошланиши сифатида катта қувонч билан кутиб олинади. Баҳор кириши билан буғдойлар ундиришга қўйилади, қозонларда сумалаклар қайнайди, кўкат чучвара, ялпиз сомса каби таомлар пиширилади, отчопар, улоқ, кураш сингари халқ ўйинлари, сайиллар ўтказилади.*

*Шарқона янги йил ҳисобланган ушбу байрам бугунги кунда дунёнинг кўплаб халқлари томонидан катта шодиёна билан нишонланмоқда.*

*Қуйида биз дил изҳорларини ёзиб олган қардош халқ вакилларининг фикрларини ўқир экансиз, баҳор нафасини, Наврўз шодлигини ҳис этасиз.*

### Эътироф

**Салим БОБУЛЛАЎҒЛИ, шоир ва таржимон (Озарбайжон):**



— Тарихий манбалар кафиллик беришича, Наврўзни нишонлаш туркий халқларнинг энг катта байрами ҳисобланган. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарини ўқиш жараёнида Наврўзга бағишланган кўплаб халқ қўшиқларига дуч келганман. Наврўз байрами ҳақидаги маълумотлар Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, Умар Хайёмнинг “Наврўзнома”си, шунингдек, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа алломаларнинг асарларида ҳам учрайди.

Умуман олганда, Шарқ мамлакатлари ҳамиша ушбу байрамни юқори кайфият ҳамда ўзгача шукуҳда кутиб олишган. Аммо, кўпчиликка маълумки, собиқ иттифоқ даврида Наврўз диний байрам ва маросимлар қаторида асоссиз равишда ман қилинганди. Айни ўша онларда миллатларимиз ўзининг Наврўз билан боғлиқ бир қанча қадрият ва анъаналарини унутгани, тўғрироғи, унутишга мажбур бўлгани рост. Лекин мана бугун мустақилмиз, бошқа қадриятлар қатори Наврўзимиз ҳам яна қайта тикланди.

Ушбу байрам халқларни бирлаштирувчи, тинчликка, дўстликка, бирдамликка ундаши билан алоҳида аҳамият касб этади. Халқларимиз учун умумий бўлган бу айём бугун мана эшигимизни қоқиб, остонамизда турибди. Мамлакатларимизда Наврўз байрамининг нишонланиши икки миллатнинг тили, қадриятлари, тинчлик ва фаровонликка интилишидаги муштараклигидан далолат.

Бундан 4-5 йиллар илгари Ўзбекистонда бўлганимда сумалак егандим, унинг таъмини ҳали-ҳамон эслайман. Шу яқин йилларда айнан сумалак тановул қилиш учун ҳам Ўзбекистонга бормоқчиман.

**Сабрий ҚУШҚЎНМАС, ҳуқуқшунос ва ёзувчи (Туркия):**



— Баҳор — қалбларимизга фараҳ бағишловчи фасл бўлса, Наврўз уни саодату бахт билан ясантирадиган кундир. Улкан ҳаяжон билан нишонланадиган, кўнгиллар шодлик ва келажакка умид билан тўладиган ушбу кунларда ғамга чўмиш кўп нарсадан мосуво бўлиш, дегани.

Наврўз анъанаси сўнгги музлик даври тугашидан бироз олдин бошланган. Ўша даврларда фасллар инсон ҳаётида ҳозиргидан кўра муҳимроқ бўлиб, ҳаёт билан боғлиқ барча нарса тўрт фасл билан чамбарчас эди. Қаттиқ қишдан сўнг келган баҳор она табиатнинг уйқудан уйғонишини, кўкаламзорлаштиришни, чорва молларининг туғилишини англатарди. Инсон учун катта имконият, тўкин-сочинликнинг жонланиши ҳисобланарди бу фасл.

➡ 2



**Шукуҳ**

## АСРЛАРГА ГУВОҲ ЧАНҚОВУЗ

*Зиёда опа қишлоқ ортидаги кенгликда нишонланаётган Наврўз сайлига бироз кечикиб келди. Қишлоқдоши ва ҳамкасби Юнусбек унинг қаршисига шошиб чиқди.*

*— Опа, чанқовузни олиб келдингизми? Одамлар сўрашяпти...*

*— Ҳа, олиб келдим, — бош ирғади Зиёда опа.*

*— Унда ўзингиз бошлайсизми ё мен чалайми?*

*— Майли, аввал ўзим бошлаб берақолай...*

*Зиёда опа шундай деганча рўпарасидаги тошнинг устига ўтириб, чанқовузини мароқ билан чала бошлади: бию-бию... бию-бию...*

*Кенг далани митти сознинг аллақандай сеҳрли, қалбларни сел қилиб юборишга қодир нолалари тутди.*

Энди отини совитиб, кўпкарига шайланаётган чавандозлар ҳам, сумалак бошида қўшиқ айтиб, ўйин-кулги қилаётган қиз-келинлар ҳам, анча наридаги тепалик устида қий-чув қилиб варрак учираётган болажонлар ҳам, ҳамма-ҳамма бир пасда ёпирилиб келиб, Зиёда опанинг атрофида давра қуришди. Чанқовузнинг ҳазин ва сеҳрли нолаларини берилиб тинглай бошлашди.

Қишлоқ аҳли учун бу чанқовузнинг овози ҳам, тарихи ҳам жуда қадрли. Ахир бир пайтлар уни шу қишлоқлик Азов момо фронтда чалган эди-да. Фашистларга қарши курашда жангчиларимизга куч ва ирода бахш этган бу соз бугун қишлоқ аҳлининг тўю байрамларига хизмат қилмоқда.

— Боболаримизнинг айтишича, бу чанқовузнинг ясалганига бир асрдан ошибди, — дейди Ғузор туманидаги “Омонёр” фольклор-этнографик дастаси аъзоси Юнусбек Ҳайитов. — Ўз вақтида бу чанқовузни биз Азов момо деб атайдиган момомиз чалар экан. У киши Иккинчи жаҳон уруши вақтида фронтга бориб, у ердаги концертларда шу чанқовузни чалгани ҳақида боболаримиздан эшитганмиз. Бунинг ўзи бир тарих. Кейин момомиз чанқовузни қизи Шарофат аяга берган. Шарофат ая Алимова ҳам кўп йиллар давомида қишлоғимиз байрамларида бу созни чалиб юрди.

➡ 4

**Тухфа**

## ВОДИЙ АҲОЛИСИ УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

*Наврўз байрами арафасида Фарғона водийси аҳолиси учун яна бир қулайлик яратилди. Қўқон — Хонобод йўналишида поезд қатновининг йўлга қўйилиши ҳақиқий байрам совғаси бўлди.*

— Вагонда йўловчилар учун барча шароит бор экан, — дейди меҳнат фахрийси Эътиборхон Тошхўжаева. — Ўриндиқлар юмшоқ, телевизор, телефон қувватлантиргич, иситиш ва совитиш воситаларига эга. Тамадди қилиш, китоб ёки газета ўқиш учун ҳам шароитлар яратилган. Вагон кузатувчилари ниҳоятда хушмуомала.

Ушбу поезд қатнови Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларида истиқомат қилувчи аҳоли учун қулай шароитни вужудга келтиради. Сабаби Қўқон шаҳри водийнинг йирик савдо, Хонобод шаҳри эса сайёҳлик маркази сифатида маълуму машҳур.

Поезд кеча 2 соату 15 дақиқа давом этган ўзининг илк ҳаракатини амалга оширди. Унинг биринчи фахрий йўловчилари нуронийлар, меҳнат фахрийлари, ёшлар ва фаоллар бўлди.

**«Халқ сўзи».**

## «Маданиятингиз ниҳоятда бой эканлигидан ҳайратдаман»

*Андижон вилоятида Наврўз байрамининг асосий тадбирлари Янги Андижон мавзесида бўлиб ўтмоқда. Уч кун давом этадиган халқ сайилларида миллий ўйинлар, спорт беллашувлари, ашула ва лапарлар барчага баҳорий кайфият улашмоқда, кўклам таомлари тайёрланяпти.*

### Таассурот

Сайилда андижонликлар билан бир қаторда, қўшни мамлакат фуқаролари ва бошқа хорижлик меҳмонлар ҳам иштирок этаётир.

— Ҳамкорларимиз таклифи билан Наврўз байрамини нишонлаш учун Янги Андижонга келдик, — деди Ким Мин Хён. — Тўғриси, кўп халқларнинг миллий байрамларида қатнашганман, бироқ Наврўздек файзли, тароватли шодиёнани кўрмаганман. Минглаб аҳоли бир манзилда тўпланиб, байрамни нишонлаши аҳиллик, иноқлик ва тинчлик-осудалик ифодасидир. Кеча ифторликда қатнашиб ниҳоятда мазали сумалак, мастава ва девзира ошдан татиб кўрдим. Бугун чавандозлар, дорбозларнинг чиқишларини кўриб, халқингиз маданияти нечоғли бой эканлигидан ҳайратдаман!

Байрам тадбирлари дастлаб ҳар бир шаҳар ва туманлардаги маҳаллалардан бошланди. Бунга қадар кўчаларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Натижада 644 гектар майдон тартибга келтирилиб, ариқлар мавсумга ҳозирланди. 180,5 минг туп мевали, манзарали ва гул кўчатлари ўтказилиб, янги боғлар барпо этилди.

**Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).**

## Хуш келдинг, айланай тароватингдан!



2-саҳифага қаранг. ➡



# ДУНЁНИ ЧОРЛАЁТГАН БОҚИЙ ШАҲАР

1 Орадан салкам ярим аср ўтиб, Ўзбекистонда бу халқаро тадбирнинг ташкил этилиши, албатта, Президентимизнинг узоқни кўзлаб амалга ошираётган ислоҳотлари самарасидир. Минтақамизда илк марта ўтадиган ушбу муҳим глобал миқёсдаги тадбир халқаро ҳамжамиятга Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатларининг улкан цивилизациявий салоҳиятини яна бир бор намойиш этишга хизмат қилади.

Шу ўринда бироз чекиниш қилсак. 2023 йилнинг 7 — 22 ноябрь кунлари Париж шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 42-сессияси, чин маънода, янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги яна бир муҳим ютуқларидан бўлди, десак, янглишмаймиз. Сессияда Ўзбекистоннинг навбатдаги, 43-сессияни 2025 йилда Самарқандда ўтказиш тўғрисидаги таклифининг бир овоздан қўллаб-қувватланиши ҳамда 42-сессия раиси Симона-Мирела Микулеску тегишли қарорни қабул қилиш жараёнида "Бу дипломатик муваффақият", дея изоҳлаши ҳам фикримизнинг бир исботидир.

Президентимизнинг номи юқорида қайд этилган қарорида ушбу нуфузли халқаро анжуманни юқори даражада ўтказишга ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўриш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган. Жумладан, сессиянинг Самарқанд шаҳрида ўтказилишининг аҳамияти ҳақида юқори сифатли медиамаҳсулотлар ҳамда аудиовизуал асарлар яратилиб, уларни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида эфирга бериб бориш, ижтимоий тармоқларга жойлаштириш, хештег ва челленж каби усулларни қўллаш орқали кенг тарғиб қилиш чоралари кўрилади. Шунингдек, "Самарқанд — жаҳон тамаддунлари чорраҳасида" китоб-альбомни ўзбек, рус, инглиз ва француз тилларида чоп этиш, почта маркалари ҳамда конвертлар туркумини яратиш, тақвимлар ва кўргазмали тарғибот воситалари, эсдалик тангалари, кумуш ва олтин тангаларнинг муомалага чиқарилиши ташкил этилади.

Сессия доирасида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида маданий тадбирлар, экскурсиялар ва қабуллар уюштирилади.

Самарқанд нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунёдаги энг қадимий ва гўзал шаҳарлардан бири. Қарор билан ушбу кўҳна кентда Буюк Ипак йўли давлат музейининг ташкил этилиши, Амир Темур боғлари қайта тикланиши, Бибихоним мажмуаси реставрация қилиниши бўйича белгиланган вазифалар, шубҳасиз, бой тарихимизни тиклаш ва халқаро ҳамжамиятга намоён этишда яна бир муҳим босқич бўлади.

Шунингдек, қарор билан мамлакатимизнинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилади. Жумладан, ЮНЕСКО бош директори номига Ўзбекистон Республикасининг Маданий ёдгорликларни сақлаш ва реставрация қилиш бўйича халқаро тадқиқот марказига аъзо бўлиши учун расмий ариза топширилади.

Ўзбекистондаги шаҳарлар, ноёб маданий ва табиий мерос объектларини тегишлича ЮНЕСКОнинг Ижодкор шаҳарлар ҳамда Таълимни тарғиб этувчи шаҳарлар тармоқларига, шунингдек, халқаро рўйхатларига киритиш чоралари кўрилади.

ЮНЕСКО мезонлари асосида ва хорижий экспертларни жалб этган ҳолда Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган Бухоро тарихий марказини муҳофаза қилишга қаратилган унинг мастер ва менежмент режаларини ишлаб чиқиш бўйича тегишли қарорлар лойиҳалари тайёрланади.

ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясига ташкилотга аъзо давлатлардан вакиллар ташриф буюриши режалаштирилган. Бу ҳам айтиш мумкинки, Ўзбекистон учун катта ишонч, айни пайтда улкан масъулият ҳамдир.

Бир сўз билан айтганда, бугун Ўзбекистон дунёга, дунё эса бизга очилмоқда. Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган демократик ислоҳотлар, дўстлик, тенглик ва ҳамжиҳатликка асосланган ташқи сиёсатимиз бундан кейин ҳам кўп эътирофларга сазовор бўлади, Ватанимиз янги Ўзбекистон номи билан дунёга донг таратади. Бунга асло шубҳа йўқ.

## Бархаёт сатрлар



**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони,**
**халқ шоири**

### ИБТИДО

Баҳор айёмида қазо ножоиз,
Баҳор айёмида туғилмоқ фарздир.
Баҳор минбардаги биринчи воиз,
Баҳор яшамоққа берилган қарздир.

Ким учун муҳаббат айёмидир у,
Ким учун яшариш — томирдаги қон.
Бемор лабларига қўнди ним кулгу,
Ўлмас баҳорларга етиб келган жон.

Яна умид билан уйғонар олам,
Баҳор бу, ҳар нечук, илоҳий сасдир.
Олис уфқларга боқурман мен ҳам,
Баҳор ибтидодир, якун эмасдир.

### НАВРЎЗ

Аввал юрагингга мўралайди у,
Сўнгра куртакларга ўргатади сўз.
Заминнинг кўзидан қочади уйқу,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.

Қишнинг аҳволига боқиб ҳойнаҳой,
Юм-юм ёш тўкмоқда эриётган муз.
Жилва қилаётир тенгсиз бир чирой,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.

Она бағри каби илиқдир олам,
Ҳарир ҳовур ичра яйрар дала-туз.
Қолди пучмоқларда хазон янглиғ ғам,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.

Яна кўнгиллардан рутубат кетди,
Яна шуълалардан қамашмоқда кўз.
Яна дилдорликнинг фурсати етди,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.

## Сурур

# Хуш келдинг, айланай тароватингдан!

*— Кўклам асли нимадан бошланади?*

*— Қуёшнинг тобора шимолга оғишиданми, ё бойчечакданми?*

*— Ёхуд қурбақанинг қуриллашидан, ё бўлмаса қалдирғоч ташрифиданми? Эҳтимол, бу соғинтирувчи фаслнинг дебочаси узоқ тоғ чўққиларидаги муздан узилган илк томчидан, ё момоқаймоқнинг заррин ранглариданмикан?*

*— Балки, шошқалоқ бодом гулларидандир?*

*— Ё бўлмаса, унинг илк элчилари ўйинқароқ болакайларнинг учирган варракларимикан?*

*— Баҳордан андоза олган ироқи дўппилар ва толпопукларми, ё кўклам муждалари?..*

Эҳтимол, офтобрўёга ошиққан онахоннинг ўрик гулига тикилган нигоҳларидан, балки "Омонлик, омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик" дея сумалак тотиётган отахонлар насибасидандир, бу сеҳрли фасл ибтидоси?

Ассалом, Кўклам! Сен қандай ва нимадан бошланма, нафасингни энг аввал кўнгил сезади, энтикади, тўлқинланади ва сенга пешвоз чиқади. Сен яйдоқ еру яланғоч шохларни яна яшил либосларга бурканганингдек, кўнгиллар ҳам янги туйғулар билан тўлади. Ҳолбуки, бу туйғулар ёш танламайди. Сенга барча бирдек ошиқ бўлади. Бу жамики кўнгилларда туғилган муҳаббат фақат сенга аталган, сенгагина хосдир. Сен қайдан биласан, ўрик гулига ошуфта онахон қалбига ҳам ўн саккиз ёшли баҳори қайтгандир, отахоннинг хотирасида эса қир-адирда насиминг алвон дуррасини ҳилпиратган маъшуқаси чопқиллаётгандир?! Сен шундай сеҳрлисанки, ҳар қалбни ишғол қиласан, ҳар кўнгилда ғалаён уйғотасан. Табиат билан уйғун ва бир вақтда кўнгил баҳорини ҳам армуғон этасан.

Нега инсон ўз умрини баҳор билан ўлчайди? Нечун ҳаётимнинг фалон кузи демайди?

Айт-чи, баҳор, ё сен билан бошланарми, яшаш ибтидоси? Ё сен билан безаклими умр ўлчови?

Саксонинчи баҳорини қаршилаётган онахон ва ўн саккиз ёшли ойпари қизнинг сенга қадалган нигоҳларида нечук бир маъно? Эй яшартирувчи фасл, нечун сенга тўймайди инсон? Ҳар ташрифинг бетакрорми, ё ? Ахир юз йил бурун очилган лоланг бугун ҳамон ўша-ўша: алвон рангда-ку. Югурик жилғаларинг-да, юлдуздек сочилган чучмомаларинг, бир кечада чаман бўлғуси олчазорларинг бари ҳамон ўша-ўша — сенинг азалий манзараларинг-ку?! Ё ҳар баҳор умр баҳори — кўнгил баҳорими?

Шунданмикин, менинг фалон баҳорим, деган умр ўлчови?! Эҳтимол, шудир сенинг ёздан-да, куздан-да, қишдан-да суюклилигинг, инсон ва табиат олдидаги бебаҳолигинг.

Ассалом, баҳор! Сен ризқ-рўз дастурхонининг ёзгувчисидирсан, Сендан бошланади, ризқу насибамиз файзу баракаси. Само карнайчиси — момоқалдироқларнинг гулдуросида, беқарор булутларнинг сайрида, ҳар ёзилган япроғу гуллаган шохларингда — сенинг ҳар кўринишингда нозу неъмат, хирмон-хирмон ҳосил мақсади мужассам. Ҳатто кўримсиз янтоқнинг кўкаришида ҳам чорванинг ризқи бор. Чорвада эса инсон насибаси.

Нега инсон сен билан ота-онасини соғингандек, ёрини кутгандек дийдорлашади?

Сен келганда нечун ҳар билакда ўзгача қувват, ҳар юракда янги орзу-мақсад пайдо бўлади?

Сирли сумалак теграсида вожиб бўлғуси меҳр-оқибат юксаклигининг бирор қиёси бормикан? Саховат қадриятлари қўшиб тугилган кўк сомсаларинг-чи?

Коинотнинг бузилмас қонуниятлари асосида қарор топган Наврўзингдан айланай, сенинг! Кун ва тун баробарлиги, табиат уйғониши, ёруғлик — буларнинг барида буюк бир ҳикмат бор. Минг-минг йиллар муқаддам белгиланган бу сана ҳозирги замон мунажжимлари учун қадим Шарқ донишмандлигидан улуғ бир намунадир. Бой мозийга аниқ ишорадир.

Ассалом, Наврўз!

Сенинг бу галги ташрифингга ҳам соғинчдан пойандозлар тўшадик, кўнгиллар беғуборлигини хонадонларимиз, кўчаларимиз, маҳаллаларимиз, шаҳару қишлоқларимизга ҳам кўчирдик.

Томирлари аллақачон замин билан тиллашаётган минглаб-миллионлаб ниҳолларимизга ўзинг она бўл, Наврўз!

Мана, қатор-қатор далалар: кафтдек текис, паҳлавондек бақувват. Унинг ўртасида қўлини чаккасига қўйган инсон эса — Бободеҳқон. Биласан, сени энг орзиқиб кутган банибашар вакили аслида ўша. У сени қадим қадрдонини кутгандек кутади, иссиқ тафтингни тупроғидан сезади.

Сенинг бу галги ташрифинг юртим — янги Ўзбекистон учун янада юксалиш баҳори ҳамдир. Баҳор ва Юксалиш. Ҳар иккисида ҳам бир мақсад мужассам: кўклам табиатга комиллик бахш этса, тараққиёт-юксалиш инсон ҳаётини баҳор каби яшнатгувчидир.

Хуш келдинг, кўнгилларда яратувчилик, юрт равнақи йўлидаги ғайратимиз-шижоатимизга янада кўтаринки руҳ, юксак ниятларимиз ижобатига остона бўлгувчи — Юксалиш баҳори!

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# БАҲОРИ ГУЛГУН ХАЛҚҚА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

1 Туркияда ушбу улуғ байрам 20 март куни нишонланади. Наврўз кечасида "тонқал" деб аталган оташлар ёқилади ва тилак айтиб устидан сакраб ўтилади. Оловдан сакраб ўтган ҳар бир кишининг тилаклари ижобат бўлади ва барча касалликдан халос бўлади, дея ишонилади.

Ўзбекистоннинг Наврўз дастурхони ҳақида жуда кўп эшитганман. Бизда ўзбек ошхоналари бор, ҳар йили байрам арафасида оила аъзоларимни кўксомса егани ўша ерга олиб бораман. Ҳа, ундай таъмни фақатгина ўзбек ошхонасида, баҳорда, айниқса, Наврўз кунларида топиш мумкин. Ўзбек қардошларимизнинг жони соғ бўлсин, ҳамиша кўкли кунларга етиб юришсин!

**Матқурбон МАТҚУРБОНОВ, журналист (Туркманистон):**



— Баъзида ўйлаб қоламан: айни кунларда талатўплар ичида қолган ўлкаларнинг баҳори қаерда, у ерда яшовчи одамлар баҳорсиз қандай яшаяпти, кўм-кўк далаларда сайр қилишни хаёлига келтиришармикан, дея. Шукрки, биз томонларда тинчлик, баҳор ташриф буюриши билан дастурхонларимиз янада тўлади, кўнгилларимиз тоза ҳаводан яйрайди, ўтаётган ҳар бир дақиқамизга шукрона айтамиз.



Жонибек ҚЎЗИМУРОДОВ (ЎзА) олган сурат.

Баҳорни ижодкорчалик интиқиб кутадиган одам бўлмаса керак. Изғиринли кунларни ортда қолдириб, илиқ кунларга юз тутамиз. Худди шундай кўнглимиз ҳам нурдан тўлади, илҳомимиз жўшади, шеъру ҳикоялар туғилади. Инсон баҳорда руҳан, қалбан яшаради. Шундай кунларда Наврўзнинг кириб келиши қувончимизга қувонч қўшади, албатта.

Бундан икки йил муқаддам байрам арафасида Ўзбекистонда ижодий сафарда бўлгандим. Бир гуруҳ ҳамюртлар билан Тошкентни сайр этар эканмиз, кўча-кўйда одамларнинг шўх кулгиси, шодон чеҳрасига кўзимиз тушиб, беихтиёр ўзимиз ҳам уларга қўшилиб кетганимизни билмай қолдик. Баҳор Ўзбекистонга бошқача келар, ўзбек халқи ҳам уни айрича севинч билан кутиб олар экан. Баҳори гулгун халққа эса байрамлар ярашади.

Улуғ кунларда қилинган ниятлар ижобат бўлади дейишади, ягона истагим шу: халқларимиз дўстлигига кўз тегмасин, ҳамкорлигимиз бардавом бўлсин, мана шундай байрамларга биргаликда соғ-омон етиб юрайлик.

Ўзбек қардошларимизни Наврўз айёми билан чин дилдан қутлайман!

**Раҳматжон БОБОЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИГА КАТТА МАСЪУЛИЯТ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар жисмоний ва юридик шахсларнинг интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, спорт соҳасида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, шаҳарсозлик соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришга, Ўзбекистоннинг халқаро ҳужжатга қўшилиши ҳамда халқаро конвенцияни ратификация қилишга доир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқди.*

*Қизғин муҳокамалар жараёнида конструктив фикрлар билдирилди, асосли таклифлар илгари сурилди. Парламент аъзоларининг ҳар бир масалага дахлдорлик, масъулият ҳисси билан ёндашиши ҳар жиҳатдан мукаммал, ҳаётий қонунларни қабул қилишда муҳим омил бўлади.*

### Интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар ҳимояси кучайтирилади

Мажлисда дастлаб Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларини ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмларини амалиётга татбиқ этиш, тегишли ҳуқуқларни ҳимоя қилишда томонларнинг манфаатдорлигини ошириш белгиланмоқда.

Шунингдек, интеллектуал мулк соҳасидаги қонун ҳужжатларига интеллектуал мулк эгаларига етказилган зарар ўрнига тегишли тартибда ҳуқуқбузардан товон тўлашни талаб этиш механизми жорий этилиши муносабати билан зарарни қоплаш ўрнига қўлланиладиган фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларини бирхиллаштириш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, ҳуқуқ эгасига тўланадиган товон миқдори ким томонидан ва қандай тартибда белгиланишига оид норма, яъни товон миқдори тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки суд томонидан белгиланиши аниқлаштирилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг шу йил 13 февраль куни бўлиб ўтган мажлисида биринчи ўқишда муҳокама қилинган эди. Уни кўриб чиқиш чоғида депутатлар томонидан бир қатор фикр-мулоҳазалар, таклифлар илгари сурилганди.



Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул қўмита томонидан депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида бир қатор ишчи гуруҳ йиғилишлари ўтказилиб, илгари сурилган барча таклифлар чуқур таҳлил қилинди ва уларнинг аксарияти лойиҳа матнида ўз аксини топди.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жисмоний ва юридик шахсларнинг интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимининг такомиллаштирилишига, соҳадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси сифат жиҳатдан яхшиланишига ҳамда ҳуқуқбузарликлар сони камайишига, интеллектуал мулк ҳимоясининг кучайтирилишига хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Спорт соҳасида коррупциянинг олди олинади

"Спорт соҳасида коррупциянинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, юртимизда кейинги йилларда жисмоний соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, спортни оммалаштириш, айниқса, бокс, гимнастика, футбол, шахмат ва кураш каби спорт турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, республикамизнинг барча ҳудудида, ҳатто энг олис туманларида ҳам замонавий спорт инфратузилмалари барпо этилмоқда.

Мажлисда қайд этилганидек, спортдаги коррупция ҳолатлари, биринчи навбатда, спортчиларда, соҳага кириб келаётган ҳаваскорларда, қолаверса, миллионлаб томошабинларда спортга ишончнинг йўқолишига сабаб бўлади. Шунингдек, спортдаги коррупция спорт федерациялари, клублари ва спортчиларнинг молиявий ҳолатига ҳамда давлатнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузига салбий таъсир кўрсатади.

Шу боис бугунги кунда соҳадаги қонунчилик ҳужжатларига спортдаги коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган нормаларни киритиш, тегишли меъёр ҳамда қоидаларни қабул қилиш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Жиноят кодексининг айрим нормаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиляпти. Яъни спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши, спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олиши учун жиноий жавобгарлик белгиланмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тизими янгиланади

"Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви ва аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Шаҳарсозлик кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам қуйи палата мажлисида биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда бунёдкорлик кўлами кенгайиб, ҳар бир ҳудудда кенг кўламли қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Кўркам бино ва иншоотлар қад кўтараётир. Бу эса, ўз навбатида, ҳудудлар ва аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тизимини янада такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Мажлисда кўриб чиқилган қонун лойиҳаси билан Шаҳарсозлик кодексига Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош тарҳи ва Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини ривожлантиришни режалаштириш тарҳлари каби шаҳарсозлик ҳужжатларининг янги турлари киритилмоқда.

Шунингдек, бош тарҳни ва ҳудудий тарҳларни тасдиқлаш ҳамда мунтазам равишда такомиллаштириб бориш бўйича устувор йўналишлар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош



## 22 март — Бутунжаҳон сув ресурслари куни

*БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йил 22 февралдаги қарори билан 22 март — Бутунжаҳон сув ресурслари куни, деб эълон қилинган. Бундан кўзда тутилган мақсад — жамоатчилик эътиборини сувнинг асл қийматини англашга ва ушбу ҳаёт манбаини асраб-авайлашга йўналтиришдан иборатдир.*

*Дарҳақиқат, кескин иқлим ўзгаришлари бугун инсониятни жиддий хавотирга солмоқда. Шу маънода, бугунги кунда дунёда рўй бераётган экологик ҳолат, унинг табиатга салбий таъсирини бартараф этиш учун амалга оширилиши зарур бўлган саъй-ҳаракатлар ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим ҳисобланади.*

# ОБИҲАЁТНИ асраб-авайлаш — умумбашарий масала

Бундай экологик муаммолардан бири — сув муаммоси бўлиб, минтақамиз учун ҳам у долзарбдир. Сув озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, муносиб ҳаёт кечириш ва инсоният тараққиётининг асосий манбаидир. Афсуски, бугунги кунда жаҳонда тоза ичимлик суви захиралари тугаш хавфи тобора ошмоқда.

Маълумотларга кўра, ҳозирги пайтда Ер юзидаги дарёларнинг ярмига яқини ифлосланган, уларнинг ресурси тугаб бораётир. Ички сув ҳавзалари, айниқса, дарёлар табиий йўл билан ўзини ўзи тозалай олмаяпти. Бундай сувлар нафақат истеъмол учун, балки маиший хизмат, турмуш ва саноат эҳтиёжлари учун ҳам яроқсиз бўлиб қолаётир.

Қолаверса, урбанизация, саноат, маиший-коммунал хўжаликлар ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналари жадал ривожланиши билан боғлиқ сув танқислиги катта иқтисодий қийинчиликлар баробарида, аҳоли саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатиб, ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаряпти.

Марказий Осиёда сув азалдан азиз неъмат ва ҳаёт манбаи, минтақада истиқомат қилувчи барча халқлар учун ривожланиш ва фаровонлик асоси бўлиб келган. Шу боис асосий сув манбаларимиз ҳисобланган Амударё ва Сирдарё сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, юртимиз аҳолисининг тоза ичимлик сув таъминоти билан боғлиқ масалага оқилона ёндашуви ҳозирги даврнинг асосий талабларидан бўлиб турибди.

Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, мамлакатимизда ушбу йўналишда кенг кўламли ишлар қилинаётир. Хусусан, сувдан фойдаланишни самарали ташкил қилиш, сув ресурсларини тежамли ишлатиш йўналишидаги давлат сиёсати бугун ўз самарасини беряпти. Буни ушбу рақамлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугун фойдаланилаётган сувлар умумий миқдори ўтган асрнинг 80-йилларига нисбатан йилига 64 млрд. метр кубдан ўртача 51 млрд. метр кубгача камайтирилди. Сув манбаларидан бир гектар суғориладиган майдонга 90-йилларда 18 минг метр куб ишлатилган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 10,5 минг метр кубни ташкил этмоқда. Муҳими, ушбу кўрсаткичларни янада яхшилаш мақсадида муҳим чоралар кўрилаётир.

Жумладан, юртимизда ақлли қишлоқ хўжалигини жорий этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Аграр соҳада сув тежовчи технологияларни жорий этишга давлат томонидан субсидиялар ажратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси сув ресурсларини бошқариш, сувдан самарали фойдаланиш ва уни истеъмол қилиш бўйича самарали механизмларни жорий қилишда муҳим аҳамият касб этаётир. Аммо эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда, ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Масалан, қишлоқ хўжалигида ҳар гектарга сув сарфи технологик илғор давлатларга нисбатан 2-2,5 баробар кўп. Ирригация тизимларидаги носозликлар туфайли экин майдонларига сув етказиб беришда сезиларли йўқотишлар бор. Қишлоқ хўжалигида катта миқдордаги сув фильтрация, буғланиш ҳамда ортиқча сарф орқали йўқотиляпти.

Ҳамон кўп ҳолларда сувдан фойдаланишнинг эскирган усул ва воситалари қўлланиб келинаётгани ачинарлидир. Соҳада рақамлаштириш суст бормоқда. Ичимлик сувидан бошқа эҳтиёжлар учун фойдаланиш ҳоллари ҳам кенг тарқалган. Боз устига, сувдан фойдаланиш маданияти етарли даражада эмас, обиҳаётни беҳуда исроф қилиш ҳолатлари жудаям кўп.

Шу каби ҳолатлардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг “Сув ресурсларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш, сувни бошқариш механизмларини такомиллаштириш, соҳанинг қонунчилик базасини мустаҳкамлашга оид масалалар ҳақида”ги қарори асосида соҳага тегишли вазирлик ва идоралар, кенг жамоатчилик вакилларидан иборат ишчи гуруҳ шакллантирилиб, комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилганини таъкидлаш зарур.

Мазкур режада амалдаги норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш, илмий тадқиқот фаолиятини олиб бориш, ташкилий-техник чора-тадбирлар, тушунтириш ва тарғибот тадбирлари ўтказиш сингари йўналишлар қамраб олинган.

Айтиш жоизки, ўтган даврда унда белгиланган 41 та тадбирдан 34 таси бажарилган, 7 та вазифа ижроси бўйича амалий ишлар давом эттирилмоқда.

> ***Маълумотларга кўра, ҳозирги пайтда Ер юзидаги дарёларнинг ярмига яқини ифлосланган, уларнинг ресурси тугаб бораётир. Ички сув ҳавзалари, айниқса, дарёлар табиий йўл билан ўзини ўзи тозалай олмаяпти. Бундай сувлар нафақат истеъмол учун, балки маиший хизмат, турмуш ва саноат эҳтиёжлари учун ҳам яроқсиз бўлиб қолаётир.***



Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси ҳамда экспертлар гуруҳи аъзолари ҳамкорлигида ўсимликларнинг тўлиқ озиқланишини таъминлаш учун “ноу-хау” — янги авлод биоўғитлар ишлаб чиқилди ва улар асосида янги экологик хавфсиз, ресурстежамкор, иқтисодий жиҳатдан самарали жаҳон андозалари даражасида биоагротехнология яратилди.

Хусусан, “TERIA-S” бактериал ўғити ҳамда “Serhosil” ва “Yashill” биоўғитлари 2021 — 2023 йиллар давомида республиканинг турли тупроқ-иқлим шароитларидаги ҳосилдорлиги паст ва деградацияга учраган 30 минг гектар майдонларда синовдан ўтказилди ва натижалар чакки бўлмади. Тажрибаларда пахтанинг турли касалликларга чалиниш ҳолатлари кузатилмади. Экинларнинг қурғоқчиликка чидамлилиги ортиб, 4-5 марта ўрнига 2-3 марта суғориш орқали пахта етиштирилди.

Янги биоагротехнология қўлланилган майдонларда пахта ҳосилдорлиги ўртача 30,4 фоиз, ғалла (кузги буғдой) эса ўртача 13,3 фоиз ортиб, маҳсулот сифати ҳам яхшиланишига эришилди. Сарфланадиган сув миқдори 20 — 25 фоиз, экиладиган уруғлар миқдори 10 — 15 фоизга камайиб, маҳсулот етилиши муддати 10 — 15 кунга қисқарди.

Қўмитамиз ташаббуси билан Ёшлар парламенти аъзолари, ёш олимлар томонидан “Тупроқ остидан томчилатиб суғориш тизими” лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилди. Бу лойиҳа орқали сувни тежаш, экин майдонларидан унумли фойдаланиш, агротехник тадбирларни камайтириш ҳисобига маблағларни иқтисод қилиш ва юртимиздаги экологик номақбул ҳудудлардан ҳам юқори самарада фойдаланиш имкониятини яратиш кўзда тутилган.

Мазкур лойиҳада ер усти томчилатиб суғориш усулига нисбатан 3-3,5 баробар, эгатлаб суғориш усулига нисбатан эса 4-5 баробар кам харажат талаб қилиниб, ҳосилдорлик даражаси 15 центнер бўлган бир гектар экин ер майдонида эгатлаб суғориш усулига нисбатан 2,5 марта, ер устидан томчилатиб суғориш усулига нисбатан 1,5 марта кўп ҳосилдорликка эришилган.

Қўмитамиз томонидан ҳозирда бу ижобий тажрибани республикамизнинг барча ҳудудига татбиқ этиш чоралари кўрилаётир.

Кези келганда айтиш жоизки, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, унда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув тежовчи технологиялар билан қамраб олинган ерларнинг умумий майдонини 2 млн. гектаргача, томчилатиб суғориш технологиясини 600 минг гектаргача етказиш, тупроқ қопламали каналларни бетон қопламага ўтказиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, ирригация тизимини модернизация қилиш ва бетон қопламали каналлар улушини 46 фоизгача ошириш, сув ресурслари балансини ишлаб чиқиш ва унинг доимий мониторингини олиб бориш, соҳага хусусий секторни жалб қилиш ҳамда сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш масалалари ўз ифодасини топган.

Умуман, сув ресурсларини асраб-авайлаш ва ундан оқилона фойдаланиш бугун ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда. Айни жараёнда олдимизга кўплаб вазифалар қўйилган бўлиб, бу биз, сенаторлардан ҳам янада фаоллик кўрсатишни талаб этади. Зеро, тириклик манбаи ҳисобланган сувни асраб-авайласак, келажакни асраган бўламиз.

**Борий АЛИХОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси,**
**Эркин ОМОНОВ,**
**ушбу қўмита бош маслаҳатчиси.**

Қадрият



# МЕҲР-ОҚИБАТ ДАРВОЗАСИ

*Юртимизда кўклам нафаси. Болакай кеч кузда кўмилган токларни очаётган бобони турли саволларга “кўмиб” ташлайди. Бобо босиқ, ҳар гапни ўйлаб, обдан миясида пишитиб айтадиган одам. Аммо бирорта савол ҳам жавобсиз қолмайди.*

— Наврўзгача токларни очиб олсак, марра бизники, — дейди у.

Шунда қақажоннинг чакаги очилади.

— Наврўз нима, бобожон?

— Янги кун, болам.

— Янги кун нима?

Бобо ишидан тўхтаб, чойнакдаги чойдан бир пиёла қуйиб, уни хўплайди ва набирасини бағрига босиб гап бошлайди.

— Ҳув, осмондаги паға-паға булутларни кўряпсанми? Ундан-да баланд, оппоқ дарвозаси бўлади Наврўзнинг. Ўша оппоқ дарвоза кун ва тун тенг бўлган куни очилади.

— Ўша дарвозадан мен ҳам кираманми?

— Бўлмасам-чи, албатта, кирасан.

— У дарвозанинг ичида нима бор?

— Оқибат бор, болам, мурувват, садоқат, диёнат яшайди у ерда...

Болакай бу гаплар мағзини чақа олдими ёки йўқ, бироқ Наврўзнинг улкан, булутлардан ҳам баланд оппоқ дарвозасини тасаввурида гавдалантиради ва бундан қувониб кетади. Чор-атрофга меҳр билан боқади.

— Бобожон, нега бегона ўтларни чопиб ташласак ҳам тағин кўкараверади, — дейди у.

Бобо эса ўйга толади, нигоҳлари олисларга тикилади.

— Бегона ўт деганинг бегона эмас, балки шу тупроқ унинг Ватани. Биз четдан олиб келиб экаётган кўчат эса келгинди. Шу тупроқда томир отган ва шу ерни Ватан деб билган “бегона ўт” ўз ери учун курашяпти. Одамзод ҳам шундай, ўз ери, Ватани учун курашади, уни бировга бергиси келмайди...

Дарҳақиқат, кексалар зиммасида ўз набираларига Ватан туйғусини сингдиришдек улкан вазифа бор. Бу вазифани бугун улар қай даражада адо этаётгани эса алоҳида мавзу.

Қишлоқларда Наврўз ўзгача нишонланади. Эл-улус қир-адирда йиғилади. Ўчоқларда сумалак, палов, ёрма, қовурдоқ, қўйингки, бутун элга етадиган таомлар пиширилади. Кекса аёллар лапару қўшиқлар куйлайди. Бир томонда юрагида ўти бор йигитлар кураш тушади, хўроз, қўчқор уриштириш ўйинлари авжига чиқади.

Наврўз куни элнинг оқсоқоли уришиб қолган, бир-бири билан гап қўшмай юрган одамларни яраштиради:

— Қани элнинг олдида бир-бирингга қучоқ оч, қадрдон дўст бўлинглар, Наврўз куни ярашиш — марднинг иши.

Иккала араз қилиб юрган кишилар шу тариқа бир-бири билан қадрдон бўлиб кетишади. Яна бир гап: оқсоқол бобо қарздор бўлиб юрган одамни даврага чақириб, шу ернинг ўзида қарзни эгасига олиб беради.

Наврўзнинг шарофати билан бу қадимий қадриятлар давом этаётгани ва меҳр-оқибат тушунчаларини ёшлар чуқур идрок қилаётгани қувонтиради одамни.

...Эсимда, қишлоғимиздаги кампирлар орасида Баҳор момонинг обрў-эътибори баланд эди. Аёллар унга ҳавас қиларди. Чунки у қишлоқнинг “полковниги” деган ном олганди. Наврўз куни аразлашиб қолган аёлларни даврага чақириб яраштириш маросимини ўтказди: Норгул момо билан Гулчеҳра янга анча вақтдан буён гаплашмай юришаркан. Наврўз куни улар яраштирилганида Норгул момо “Гаплашмай юрган вақтда шундай қийналдим, Гулчеҳра келинга айтадиган гапларим ичимда йиғилиб кетди”, деган эди. Уларни яраштирган Наврўзи оламга тасаннолар айтишган эди ўшанда.

Ўйин-кулги, рақс, дорбозлар томошаси, бир томонда янги келинлар саломи, бошқа томонда савдо-сотиқ авж олган паллада онам (ҳозир раҳматли) имлаб чақирди. Бир коса сумалак, устига патир, қанд-қурс, кўксомса ва бошқа егуликларни тугиб, қўлимизга тутқазди.

— Қишлоғимизнинг энг кекса онахони — Орзугул момога етказинглар, — деди. Ўртоғим Азамат билан ёлғизоёқ йўлдан момоникига кетдик. Шовуллаб оқаётган анҳорга солинган ночор кўприкдан бир амаллаб ўтиб олдик. Деворлари нураб қолган лойсувоқ уйга етиб келганимизда супада мунғайиб ўтирган Орзугул момо кўринди. Кўк томирлари бўртиб чиққан қўллари билан бизни дуо қилди, кейин бармоғи билан сумалакни татиб кўрди ва кўзлари ёшланди.

— Аллоҳга шукр, Наврўзга етдик, — деди.

Биз эса қарияни саволга тутдик:

— Наврўзнинг оппоқ дарвозаси борми?

— Ҳа, бор, — деди Орзугул момо. — Ҳамма гап ўша дарвозадан покиза қалб, тоза виждон билан ўтиш-да!

Покиза қалб нима, тоза виждон қандай бўлади, бунга гарчи ақлимиз етмаса-да, онанинг бу сўзлари онгу тафаккуримизда ниманидир уйғотган эди. Қир-адирда ўтказилаётган Наврўз сайлига қайтар эканмиз, сумалак кавлаётган аёлларга Баҳор момонинг айтган гаплари эшитилди.

— Сумалак — улуғ таом, бунинг ёнига таҳоратли бўлиб келиш керак. Фақат таҳорат эмас, кўнгилдаги ниятлар ҳам тоза ва покиза бўлиши лозим. Агар шу гапга амал қилсаларинг, ҳамма ниятларинг ушалади.

Шунда ёш келинчак Санам опа бизни имлади.

— Тўра бобонинг боғидан довучча олиб келиб беринглар, хўпми?

Ўртоғим билан боғ томон югурдик. Деворга бир амаллаб чиқиб, чўнтагимизни довуччалар билан тўлдириб, Санам янгага келтириб бердик. Унинг юзига қувонч югурди. Дарҳол бир довуччани оғзига солди. Буни кўриб турган унинг қайнонаси Назира кампир қўлини дуога очиб, нималардир деб пичирлади.

Орадан анча йиллар ўтди. Анча улғайиб, мактабнинг юқори синфида ўқиб юрган паллаларда отам хомуш кириб келди. Онам доим отамнинг кайфиятига қараб муомала қилар эди. Шунданми, ҳеч нарсани сўрамади. Ниҳоят отамнинг ўзи гап бошлади.

— Бу йил Наврўз ўтказилмайди.

— Нега ахир, шундай байрам-а! — Онам нимадандир айрилгандек ташвишга тушди. Кўнглимизни тушкунлик аломати эгаллаб олди. Аслида, Наврўз миллатнинг ўзлигини ифода этадиган байрам, ундан айрилиш ўзликдан, миллийликдан айрилиш билан баробар эди. Шунда “Наврўзнинг булутлардан-да баланд оппоқ дарвозаси бор, у кун ва тун тенг келган вақтда очилади”, деган ибратли гап хаёлга келди. Энди-чи, ўша оппоқ дарвоза очилмайдими? Унинг ичидаги меҳр-оқибат, мурувват, садоқат каби тушунчалар унутиладими, деган ўй юракни қийнарди.

Наврўз ана шундай зуғуму таҳқирлашлар туфайли ҳам йўқолиб кетмади. Унинг яшовчанлиги миллатнинг, миллий анъаналарнинг бардавомлиги билан боғлиқ. Наврўз бор экан, миллат яшайди, меҳр-оқибат, садоқат, Ватанга муҳаббат барқ уради. Шу жиҳатдан Наврўз Ватанни севишга, унинг ҳар ҳовуч тупроғини ардоқлашга меҳр уйғотувчи байрам эканини унутмаслик лозим.

Наврўзнинг оппоқ дарвозаси... Бу гап узоқни ўйлаб, бугунги дориламон кунларнинг келишини истаб айтилгани рост. Чунки Наврўзнинг оппоқ дарвозаси орқали янги кунга — янги Ўзбекистонга кириб келдик. Бу эса халқимизга бахту иқбол, қувончу шодликлар ҳадя этмоқда...

**Фахриддин БОЗОРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ҲИССИ БИЛАН ЁНДАШИЛДИ

тарҳида аҳолини ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тизимини давлат томонидан тартибга солиш асослари белгиланмоқда.

Шу билан бирга, лойиҳада Вазирлар Маҳкамасига ривожлантиришни режалаштириш тарҳларини тасдиқлаш ҳамда мунтазам равишда такомиллаштириб бориш бўйича устувор йўналишларни белгилаш, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига шаҳарларнинг бош режаларини соддалаштирилган кўринишда ишлаб чиқишда лойиҳалаштириш топшириғини бериш каби ваколатлар берилмоқда.

Муҳокама давомида депутатлар томонидан қонун лойиҳасининг аҳамияти, айни чоғда зарурати ҳисобга олиб, уни янада такомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича бир қатор таклифлар берилди. Ўз навбатида, лойиҳадаги айрим нормалар юзасидан қатор саволлар ҳам кўтарилди.

Хусусан, депутат Шарофиддин Назаров қонун лойиҳасининг 49-моддасига тўхталиб, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош тарҳини ишлаб чиқиш бўйича етарлича имкониятларга эгами, агар эга бўлса, бу қандай тартибда ишлаб чиқилади, деган саволни ўртага ташлади.

Депутат, шунингдек, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш билан бир вақтлар 300 кишидан иборат илмий институт ишлагани, юқоридаги ҳужжатни ишлаб чиқишда бир қатор идора ва вазирликлар, илмий муассасалар, илмий марказлар биргаликда ишлаганида ҳам узоқ вақт талаб қилганлиги, шундай катта ҳажмли ишни амалга ошириш учун биргина вазирлик масъул этиб белгиланаётганини айтиб, бу қандай амалга оширилиши билан қизиқди.

Қонун ташаббускорлари депутатнинг саволига жавоб берар экан, Ўзбекистоннинг бош тарҳи ёки шаҳарларнинг бош режалари ишлаб чиқилишида вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар ҳамкорлиги йўлга қўйилганлиги, ушбу ташкилотлар билан рақамли интеграция жараёни самарали ишга туширилгани туфайли мазкур идоралардаги илмий-тадқиқот марказларининг хулосаларини онлайн режимда кузатиш имконияти мавжудлигини маълум қилди.

Қизғин муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Ўзбекистон саноат намуналарини халқаро рўйхатдан ўтказиш бўйича битимга қўшилмоқда

Мажлисда депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — “Саноат намуналарини халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Гаага битимининг Женева актига (Женева, 1999 йил 2 июль) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Таъкидланганидек, ҳозирги кунда саноат намуналарини халқаро рўйхатдан ўтказиш тизими Саноат намуналарини халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Гаага битими асосида ишлайди ва мазкур битим икки мустақил актдан таркиб топган. Булар Женева акти (1999 йил 2 июлда қабул қилинган ва 2003 йил 23 декабрда кучга кирган) ҳамда Гаага акти (1960 йил 28 ноябрда қабул қилинган ва 1984 йил 1 августда кучга кирган)дир.

Саноат намуналарини рўйхатдан ўтказиш Гаага тизими бор-йўғи битта талабномани топшириш орқали тегишли актда иштирок этувчи бир нечта мамлакатларда амал қилувчи кучга эга бўлиш имконини беради. Ҳозирги пайтда МДҲ ва Болтиқбўйининг 70 дан ортиқ давлатлари Гаага битимининг Женева акти иштирокчиси ҳисобланади.

Гаага тизими бўйича саноат намунаси муҳофазаси у рўйхатга олинган мамлакат қонунчилигига мос равишда, лекин халқаро рўйхатга олинган санадан эътиборан 5 йилдан кам бўлмаган муддат учун белгиланади.

Қайд этилганидек, Гаага битими ўз маҳсулотини, энг аввало, хорижий бозорларда илгари суришдан манфаатдор бўлган субъектларга саноат намуналарини рўйхатдан ўтказишнинг ҳозиргача мавжуд бўлган миллий тизимларига нисбатан янада қулайроқ тартиб-таомилларини тақдим этади.

Гаага битими бўйича тартиб-таомил бир нечта миллий патент идораларига уларнинг ҳудудида амалда бўлган миллий қонунчилик ҳужжатларига мос равишда мурожаат этилганда объектив тарзда юзага келадиган қийинчиликларни четлаб ўтиш имконини беради.

Ўзбекистоннинг Гаага битими Женева актига қўшилиши маҳсулот ишлаб чиқарувчилар — резидентларга Гаага битимига аъзо бир нечта мамлакатлар ҳудудида саноат намуналарини рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларининг соддалаштирилган тизимидан фойдаланиш имконини беради.

Мамлакат ичкарисидаги ҳамда дунё ҳамжамиятидаги ижобий имижини юксалтириш билан бир қаторда, ўз субъектлари интеллектуал мулк ҳуқуқларининг хорижда, чет эллик субъектлар интеллектуал мулк ҳуқуқларининг эса ўз ҳудудида муҳофазаланишига кўмаклашувчи давлат сифатидаги нуфузини оширишга хизмат қилади.



Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Муаллифлик ҳуқуқларига доир конвенция ратификация қилинади

“Ижрочилар, фонограмма тайёрловчилар ва эшиттириш ташкилотлари ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Рим, 1961 йил 26 октябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама марказида бўлди.

Аввало, қайд этиш керак, ижрочилар, фонограмма тайёрловчилар ва эшиттириш ташкилотлари ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги мазкур халқаро конвенция (Рим конвенцияси) 1961 йил 26 октябрда қабул қилинган ва 1964 йил 18 майдан кучга кирган. Ҳозирги кунга келиб, дунёдаги 97 та давлат, жумладан, МДҲга аъзо давлатлар ҳам Рим конвенцияси иштирокчиси ҳисобланади.

Рим конвенцияси функцияларининг маъмурий бошқаруви Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО ва Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Мазкур конвенция иштирокчи давлатларда хорижий турдош ҳуқуқ эгаларининг ижрочилар, фонограмма яратувчилар ва эшиттириш тайёрловчи ҳамда узатувчи ташкилотларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, иштирокчи давлатларнинг ижрочилари, фонограмма тайёрловчилари ва эфирга узатувчи ташкилотларига нисбатан миллий режимни таъминлашга бўлган ҳуқуқлари Берн конвенцияси бўйича муаллифлик ҳуқуқи доирасида муҳофаза этилишига ҳамда ушбу медиамаҳсулотлардан ноқонуний асосда фойдаланишнинг олдини олиш имконини беради.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳудудида хорижий турдош ҳуқуқ эгаларининг ижро, фонограмма, эшиттиришларга бўлган ҳуқуқлари Берн конвенцияси бўйича муаллифлик ҳуқуқи доирасида муҳофаза этилади. Бироқ ўрганишлар жараёнида хорижий ҳуқуқ эгаларининг ижросидан, фонограммасидан, эшиттиришлар тайёрловчи ташкилотларнинг эшиттиришларидан шартномасиз фойдаланиш (ноқонуний) ҳолатлари ҳам аниқланган.

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги халқаро шартномаларга қўшилиш ва улардаги нормалар ижроси таъминланиши мамлакатимизнинг жаҳондаги имижи ҳамда инвестициявий жозибадорлигини ошириш билан бир қаторда, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб киришида Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо аспектлари тўғрисидаги битим қоидаларини имплементация қилиш имконини беради.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# АСРЛАРГА ГУВОҲ ЧАНҚОВУЗ

1 Ҳозир у киши 92 ёшни қаршилаган. Икки йил аввал Шарофат ая чанқовузни қишлоғимиздаги маданият маркази қошида ташкил этилган “Омонёр” фольклор-этнографик дастасига топшириб, унинг оҳанглари унутилиб кетмаслиги учун чалиб юришимизни сўради.

Айни пайтда тарихий чанқовузни ушбу дастанинг икки аъзоси — Зиёда Хуррамова ҳамда Юнусбек Ҳайитов авайлаб асраб чалиб келаётир.

Зиёда Хуррамованинг айтишича, бугунги ёшларда ҳам чанқовузга қизиқиш бор. Бироқ халқимизнинг кўп минг йиллик қадриятларини ўзида акс эттирган бу соз тобора йўқолиб бормоқда. Яхши чанқовуз ясайдиган усталар йўқ, бозорлардан ҳам бундай созни топиш мушкул.

— Чанқовузни сақлаб қолиш, келажак авлодларимиз ҳам бу сознинг ўзгача сеҳрли навосидан баҳраманд бўлиши учун уни кўпроқ тарғиб қилишимиз лозим, — дейди у. — Ҳар гал чанқовузни қўлга олишим билан шу ҳақда ўйлайман. Балки шунинг учундир, бошқа созларга қараганда чанқовуз чалганимда ўзим ҳам унинг оҳангларига сингиб кетгандек бўламан, гўё. Мақсадим — ёшларимизнинг қалбида чанқовуз оҳангларига бўлган меҳр, муҳаббатни янада мустаҳкамлаш.

**Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Тадбир**

# МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАРГА ҲАМОҲАНГ

*Хоразм вилоятида ҳам гўзал миллий анъаналаримиз, урф-одат ва қадриятларимизни ўзида мужассам этган Наврўзи оламни кўтаринки кайфиятда кутиб олиш учун қизғин тараддуд кўрилди.*

Хусусан, 16 — 18 март кунлари бўлиб ўтган умумхалқ ҳашарида кенг кўламда ободонлаштириш ишлари олиб борилди, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Муборак Рамазон ойи муносабати билан эҳтиёжманд оилалар, ногиронлиги бор ва беморлар ҳолидан хабар олиниб, моддий ёрдам кўрсатилди. Наврўз кунлари вилоятда ўнлаб янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди, маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилди.

Байрам тантаналарининг асосий қисми Урганч шаҳридаги “Авесто” боғ мажмуасида ўтказилди. Тадбирда меҳнат фахрийлари, ёшлар, маданият ҳамда санъат намояндалари, шунингдек, чет эллик меҳмонлар қатнашди.

Вилоят ҳокими Ж. Раҳимов жамоатчилик вакиллари билан биргаликда байрам муносабати билан ташкил қилинган халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилик ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмалари билан танишди. Фольклор-этнографик жамоаларнинг бадиий чиқишлари, дорбоз томошалари, миллий спорт ўйинлари, баҳорий таомлар барчага байрамона кайфият бағишлади.

— Шарқ халқларининг қадимий байрами — Наврўз Хоразмда жуда катта кўтаринкилик билан нишонланади, — дейди Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали талабаси, покистонлик Сажид Муҳаммад Арслон. — Байрам шодиёналари Авесто боғ-мажмуасида ўтказилишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Зеро, “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал”, деган ғояга асосланган Авесто таълимоти Наврўзнинг асрий қадриятларига ҳамоҳангдир. Урганчда ўтказилган Наврўз тантаналари миллатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг яна бир ифодаси бўлди.

“Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!” деган бош ғоя асосида ўтказилаётган яшариш ва янгиланиш байрами тантаналари вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида давом этмоқда.

**Одилбек ОДАМБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси — амалда**

# Дарахтлар номига эмас, келажак учун экилмоқда

*Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси шаҳар ва қишлоқларимизни яшил майдонга айлантириш, гўзал боғ-роғлар барпо этишда муҳим омил бўлмоқда.*



Бу борада баҳорги кўчат экиш ишлари Сурхондарё вилоятида, хусусан, Ангор туманида ҳам жадаллик билан олиб борилятпи.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Ангор туманидаги маҳаллий аҳамиятга эга “4N-1597” Озод Бухоро — Таллимарон — Занг каналига чиқиш автомобиль йўли ёқасидаги бўш турган ер майдонларига минг туп арча, 20 минг туп тут дарахти экилди.

— Бугун туманимизда дарахтлар номига эмас, келажак учун экилмоқда, — дейди “Навшаҳар” МФЙ раиси Жумақул Аннамуродов. — Зеро, кўчат экиш, боғ яратиш хайрли ва савобли ишдир. Шу боис ҳам, кўчат экиш, ҳудудни яшил маконга айлантиришдек юмушда каттаю кичик барча фаол қатнашяпти.

Эзгу қадриятларимизга уйғун бу каби ҳашар тадбирлари бутун вилоят бўйлаб давом этаётир.

**Фарҳод ЭСОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ТАЪЛИМ СОҲАСИДА Ўзбекистон – Британия ҳамкорлиги

## юртимизда ўқув сифатининг ошишига олиб келади

*Давлатимиз раҳбари деярли ҳар бир чиқишида инсон капиталининг ўзаги бўлган таълим сифатини ошириш — янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир, деб таъкидлайди.*

*Дарҳақиқат, соҳа экспертлари билан ўқув масканларига бориб, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқотда бўлиб, таълим сифатини ошириш бўйича қўйилган масалаларни биргаликда ҳал қилиш бугунги кун талаби. Бу масаланинг синалган ечимларидан бири — хориж тажрибасини ўрганишдир.*

*Ҳозирги кунда соҳа вакиллари ривожланган мамлакатлар таълим тизимидан тажрибалар орттирмоқда. Бунга Финляндия, Германия, Сингапур, Франция, АҚШ ва бошқа давлатларни мисол қилиб келтириш мумкин. Лекин дунёда таълим сифати бўйича етакчи бўлган Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидан ҳам бу соҳада ўрганадиган жиҳатларимиз талайгина.*

*Шу ўринда Оксфорд университетида стажировка давридаги интенсив изланишлар ҳамда мактаблар ва олий таълим тизими фаолияти билан танишувдан келиб чиқиб, баъзи хулосаларимизни баён этсак.*

### Мушоҳада

### Билим — ҳаёт давомида ҳар бир инсон учун

Аввало, айтиш жоиз, буюк аждодимиз соҳибқирон Амир Темур ўз даврида ўша пайтдаги Англия қироли Генрих IV билан ёзишмаларида икки мамлакат ўртасида илм-фан, таълим, савдо-сотиқ, ҳунармандчиликни ҳамда мавжуд дорилфунунлар, академиялар ўртасида илмий алоқаларни мунтазам ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратгани тўғрисидаги битикни Оксфорд университетида кўриб, ниҳоятда фахрландик.

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги географик ҳудуди 4 қисмга бўлинади. Булар — Англия, Уэльс, Шотландия ва Шимолий Ирландия. Англияда таълим давлат таълим департаменти томонидан назорат қилинади ва мувофиқлаштириб борилади. Шимолий Ирландия, Шотландия ва Уэльсда ҳам ўз давлат таълим бошқарув органлари бор. Хуллас, бу борада ҳар бир ҳududнинг ўзига хос тизими мавжуд.

Буюк Британия таълим тизими тўртта асосий қисмга бўлинган: бошланғич, ўрта, қўшимча ва олий таълим.

Бирлашган қиролликда бошланғич ва ўрта таълим бепул. Бошланғич мактаб таълими 5 ёшдан бошланади ва 11 ёшгача давом этади. Мактабларда ўқувчиларнинг овқатланиши, китоб, дафтар ва канцелярия буюмлари (дафтар, альбом, қоғоз, қалам, ручка ва ҳоказо) мутлақо бепул.

Буюк Британия мактаб тизимида барча ўқувчи инглиз тили, математика, танлов фанлари, инсонпарварлик ва замонавий фанларни пухта ўрганади. Ушбу фанлардан ташқари, ҳар бир мактабда ихтиёрий (танлов) фанлар рўйхати мавжуд (санъат, мусиқа, драма, лотин тили, спорт фанлари, дизайн технологиялари, IT) ва ўқувчилар ўзларини қизиқтирган бир нечта фанларни танлашлари мумкин. Кичик мактабдан катта мактабга ўтиш (8-синфдан 9-синфга) умумий кириш имтиҳонлари натижаларига боғлиқ бўлади.

Мактаб таълимининг 9-йили жуда муҳим давр ҳисобланади, чунки ўқувчиларнинг кўпчилиги кичик мактабдан катта мактабга ўтади. Бу, шунингдек, “GCSE” дастури учун жуда яхши асос бўлиб, барча мактаб учун кириш имконидир.

Ўрта таълимнинг сўнгги икки йилида, яъни 10 ва 11-синфларда 14 ёшдан бошлаб ўқувчилар икки йилдан сўнг топшириладиган “GCSE” дастури имтиҳонларига тайёрланишади ҳамда пировардида имтиҳондан ўтган ўқувчиларга ўрта таълим тўғрисидаги сертификат берилади. Танланган фанлар ва “GCSE” натижалари ўқувчиларнинг кейинги даражадаги ўқишларига, яъни олган баҳоларига қараб (“A” (level) ёки “IB” даража) университетларга кириши учун имконият эшикларини очиб беради.

Буюк Британияда мактаб таълимини олмоқчи бўлган хорижлик ўқувчилар учун 11-синфда 1 йиллик “GCSE” дастури таклиф қилинади. Ушбу интенсив бир йиллик курслар 15 ёшдан ошган ва ўз мамлакатида тегишли академик даражага эга бўлган ўқувчилар учундир. Мазкур курсда нисбатан кам, энг кўпи 6 та фан ўрганилади.

“IGCSE” дастури (ўрта таълимнинг халқаро умумий сертификати) халқаро ўқувчиларни “A” даража (level) ёки “IB” даражага тайёрлайди. Ўқувчилар инглиз тили, математика ва табиий фанларни ўз ичига олган 5 тадан 7 тагача фанларни ўрганади. Ҳар бир мактабда “IGCSE” дастури ўқувчилари учун фанлар рўйхати шакллантирилган. 11-синф охирида ўқувчилар ҳар бир ўрганилган фан бўйича имтиҳон топширади ва “IGCSE” сертификатини олади.

### Университет ва мактаб ҳамкорлиги

Мактаб ўқувчиси 16 ёшга тўлгандан сўнг “A” (advanced) даражадаги баҳоларни олишда имтиҳонларга тайёрланиш учун 2 йиллик дастурни бошлайди. Ўқувчилар университетга кириш учун 3 ёки 4 та фандан тайёргарлик кўради. “A” даража давлат имтиҳонлари бўлиб, унинг натижалари Буюк Британиянинг барча университети ҳамда бутун дунё олийгоҳлари томонидан тан олинади. 13-синф



охирида ҳар бир фан (модуль) бўйича имтиҳонлардан сўнг ўқувчилар “A” даражадаги сертификатга эга бўлади.

3-4 тадан ортиқ фанларни ўрганишни истаганлар, баъзи хусусий мактаблар томонидан таклиф қилинадиган Халқаро бакалавр диплом дастури билан кенгроқ фанлар бўйича ўқишни давом эттириши мумкин. Талабалар курс охирида ҳар бир фандан ёзма имтиҳон топширади.

Халқаро талабалар хусусий таълимга муқобил равишда давлат коллежини ёки қўшимча таълим коллежини танлашлари мумкин. Иккаласи ҳам 16 ёшдан бошлаб талабалар учун “GCSE” ва “A” даражадаги курсларни таклиф қилади. Қўшимча таълим коллежлари, шунингдек, таянч ва диплом курсларини тақдим этади. Барча коллеж талабаларни Буюк Британия университетлари ёки дунёнинг исталган университетига киришга тайёрлаши мумкин. Ушбу курслар талабаларга ўзлари танлаган касбни давом эттириш ёки ўзлари танлаган университетга кириш имконини беради.

Британия мактаб тизими, шунингдек, маълум бир фан (бизнес, психология, муҳандислик, спорт, санъат ва дизайн) бўйича амалий билим ва кўникмаларни ривожлантирмоқчи бўлган ва анъанавий имтиҳонларни қийин деб ҳисоблаган ўқувчилар учун мўлжалланган “BTEC” курсларини ҳам таклиф қилади.

Шунингдек, 17 ёшдан бошлаб хорижлик ўқувчилар “A” ёки “IB” даража ўрнига бир йиллик таъсис дастурларидаги ўқишни танлашлари мумкин. Бу курсда “A” даражага муқобил бўлган имтиҳонлар топширилади. Ва бу коллежлар билан ҳамкорлик қиладиган университетлар томонидан тан олинади. Баъзи университетлар, шунингдек, ўзларининг даража дастурларига олиб борадиган таянч курсларини ҳам тақдим этишади.

### Муваффақиятга меҳнат орқали эришилади

Буюк Британия дунёда ўз университетлари билан, улар эса юқори таълим сифати билан машҳур. Англияда бакалавр даражаси одатда уч йил давом этади ва яхши ўқиган талабаларга имтиёзли диплом берилади. Шотландияда эса бакалавр тўрт йил давом этади.

Британияда биринчи даражали бакалаврлар “BA” (санъат бакалаври), “Венг” (муҳандислик бакалаври) ва “BSc” (фан бакалаври) деб номланади. Давлат коллежлари диплом дастурининг биринчи ва баъзан иккинчи йилидан бошлаб озод қилинадиган 2 йиллик ўқиш давридаги касб-ҳунар дипломларини олишни таклиф қилади. Баъзи хусусий ўқув коллежлари университетнинг бир йилига тенг бўлган бир йиллик диплом дастурини тақдим этади. Бир йиллик диплом талабаларга айрим университетларда иккинчи курсга кириш ҳуқуқини беради.

Ҳозирги пайтда коллеж ёки лицейлардан ташқари Британияда 200 дан ортиқ университетлар мавжуд. Ҳар йили университетлар орасида рейтинг тузилади. Унга кўра, таълим узвийлиги, контент сифати, илмий мавзунинг долзарблиги, меҳнат бозори эҳтиёжини қоплай оладиган рақобатбардош кадрлар тайёрланиши ва бошқа бир қанча омилларни ҳисобга олиб, энг кучли олий ўқув юртлари рейтинги аниқланади. Бу рейтинг университетларнинг нуфузини оширади ҳамда илм-фаннинг янада ривожланишига сабаб бўлади.

Буюк Британия таълим тизимида магистратура курслари жуда интенсив. Курслар бошқа мамлакатларга қараганда анча қисқароқ, одатда, 12 ой давом этади ва “MA” (санъат магистри) ва “MЕнг” (муҳандислик магистри) ҳамда “MBA” (бизнес бошқаруви магистри) деб номланади. “MBA” юқори даражадаги магистратура курси бўлиб, 2 йил давом этиши ҳам мумкин. Магистратурага ариза берувчилар камида икки йиллик бошқарув ва амалий тажрибага эга бўлган юқори натижаларга эришган бакалавр даражали талабгорлар бўлиши керак.

Буюк Британияда таълим олиш хорижий талабалар учун зўр имконият майдони. Зотан, ҳар йили 400 мингдан ортиқ чет эллик ёшлар 200 дан зиёд университетларга киради. Мамлакатда таълим олиш пуллик — маҳаллий талабалар учун арзон, хорижий талабалар учун қимматроқ. Бу рақам таълим йўналишига қараб тахминан 10 минг фунтдан 50 минг фунт стерлинггача.

Университетлар ҳар йили иқтидорли талабалар учун грантлар ажратади. Талабалар танловнинг бир неча босқичидан муваффақиятли ўтса, грант соҳибига айланади. Яъни шартнома пулининг ярми ёки ундан ҳам кўпроғи университет томонидан тўлаб берилади. Ҳозирда “British Chevening Award” ва “Hill Foundation” стипендиялари учун танловлар мавжуд. Бу талабалар учун катта имконият.

Буюк Британияда докторлик илмий даражаси (PhD) 2 йилдан 7 йилгача давом этиши мумкин. Академик эркинлик Британия олий таълимининг асосий тамойилидир.

### Имконият, изланиш, қатъий тартиб

Ўқувчилар ўқув йилида яшайдиган ва ўқийдиган тураржой мактаблари мавжудлиги яна бир эътиборга молик жиҳат. Англия, Уэльс, Шотландия ва Шимолий Ирландияда тахминан 500 дан ортиқ мактаб-интернатлар бор. Улар ўқувчиларга ўз малакаларини оширишга ва университетга ўқишга киришига ёрдам беради. Буюк Британиядаги барча мактаб-интернат ўқитиш сифати, жиҳозлари ва ўқувчиларга хизмат кўрсатиш бўйича қатъий давлат стандартларига мос бўлиши талаб этилади. Кўплаб мактаб-интернатлар гўзал, кўп асрлик бинолардан ташкил топган замонавий синф хоналари ва анъанавий архитектуранинг нодир ёдгорлиги ҳисобланган биноларда жойлашган. Мазкур таълим масканларида юқори малакали ўқитувчилар сабоқ беради.

Давлат мактаб-интернатларига қабул фақат Буюк Британия фуқароларига мўлжалланган. Истисно тариқасида Европа Иттифоқи мамлакатлари фуқаролари ёки Буюк Британияда яшаш ҳуқуқига эга бўлганларнинг фарзандлари ҳам қабул қилинади.

Британия университетларида ҳар бир ёш ўзи қизиқадиган йўналишни танлаши ва энг юқори даражада билим олиши мумкин. Қизиқарли таълим йўналишлари, маънавий ва ижтимоий амалиётлар, техника янгиликлари, санъат ва маданият бўйича ҳар хил дастурлар мавжуд. Университетларда ўқитувчилар ҳар бир талаба билан индивидуал шуғулланувчи механизм яратилган.

“Ofsted” (Таълим, болалар хизматлари ва кўникмалар стандартлари идораси) ўқув муассасалари томонидан тақдим этилаётган таълим сифатини баҳолаш учун мунтазам текширувлар ўтказиб, баҳо бериб боради. Ҳукумат мактабларнинг ўқув ва имтиҳон натижалари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни ўз ичига олган натижалар жадвалларини нашр этади. Бу ота-оналар ва ўқувчиларга мактаблар ҳақида объектив маълумот беради.

Стандарт тестлардан ташқари, ўқитувчилар курс ишлари ва топшириқлар орқали ўқувчиларнинг муваффақиятини баҳолайди. Мактабларда ўқувчилар ривожланиш нуқтаи назаридан ҳам баҳолаб борилади.

Англияда таълим тизимидаги баҳолаш механизми мактаблар ва ўқувчиларнинг белгиланган стандартларга жавоб беришини таъминлаш, таълим натижаларини яхшилашни қўллаб-қувватлаш, ота-оналар ва манфаатдор томонларни таълим ҳақида онгли қарорлар қабул қилиш учун маълумот билан таъминлашга мўлжалланган. Тизим ривожланаётган таълим эҳтиёжлари ва устуворликларга мослашиш учун даврий ўзгаришлар ҳамда ислоҳотларни амалга ошириб боради.

Британия олий таълимида сифат кафолати ва аккредитация муҳим аҳамиятга эга. Олий таълим сифатини таъминлаш агентлиги (QAA) институтлар бўйлаб академик стандартлар ва сифатни сақлаш учун масъул ҳамда доимий равишда назорат қилади.

### Илғор ёндашувлар — сифат гарови

Буюк Британияда университетлар кутубхоналари 24/7 режимда фаолият юритади. Чунки кўпчилик талабалар имтиҳон пайтида эртаю кеч кутубхонадан фойдаланади. Биргина Оксфорд университети кутубхона фондида 6 миллиондан ортиқ китоблар мавжуд.

Бу ҳақда бежиз тўхталмадик. Боиси таълим даргоҳлари жаҳон стандартига мос илмий адабиёт, замонавий ўқув хоналари, кучли билим, малака ва тажрибага эга мутахассислар билан таъминланса, бу таълим сифатига яхшигина ҳисса бўлиб қўшилади.

Лекин ҳар бир жойда бўлгани каби мазкур мамлакатда ҳам ўзига яраша таълим муаммолари бор. Жумладан, молиялаштириш билан боғлиқ масалалар. Таълимдаги хилмахиллик ва инклюзивлик ҳамда барча талаба учун тенг имкониятларни тарғиб қилиш ва бошқалар. Мазкур муаммоларни ҳал қилиш бўйича саъй-ҳаракатлар давом этмоқда.

Хўш, Ўзбекистон Буюк Британия таълим тизимининг илғор тажрибаларини миллий таълим тизимига қандай жорий қилиши мумкин? *Аввало*, Буюк Британияда олий таълим муассасалари билан ўзаро келишув ва қўшма таълим дастурлари асосида талабаларни ўқитишни тизимли ташкил этиш, икки томонлама тан олинадиган диплом беришни кўпайтириш, ўқув жараёнига юқори малакали ўқитувчи ҳамда мутахассисларни кенг жалб қилиш зарур.

*Иккинчидан*, Ўзбекистонда ушбу мамлакат олий таълим муассасалари филиаллари сонини ошириш лозим. Бугунги кунда Ўзбекистонда Буюк Британия билан ҳамкорликда ишлаётган олий таълим муассасалари сони 30 тани ташкил қилади. Уларнинг баъзилари Вестминстер университети каби тўлиқ фаолият юритувчи таълим масканлари бўлса, баъзилари қўшма таълим дастурларидир. Булар иқтисодиёт, бухгалтерия, фармацевтика, қишлоқ хўжалигининг айрим тармоқлари ва таълимнинг бошқа йўналишларидир.

*Учинчидан*, мамлакатимиз таълим муассасаларининг халқаро рейтинглардаги мавқеини юксалтиришда тажриба алмашиш, талабалар алмашинувлари, ўқитувчилар малакасини ошириш, рақамлашган платформалар ва дастурларни ишлаб чиқиш каби қатор йўналишларда келишувларни амалга ошириш лозим. Тўғри, 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти таълим муассасалари агентлиги (ҳозирги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги) ва “Cambridge University Press&Assessment” таълим ташкилоти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган. Ҳужжат билан Британия томонидан Президент мактабларига кириш имтиҳонларини ўтказишга кўмаклашиш, шунингдек, қўшма ўқув дастурларини ишлаб чиқишни назарда тутувчи лойиҳа амалга оширилди. Бу жуда яхши. Шунга ўхшаш лойиҳаларни Ўзбекистоннинг илм-фан соҳасига ҳам (олий таълим, докторантура) синов тариқасида жорий қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

*Тўртинчидан*, энг асосий фундаментал адабиётлар инглиз тилида эканини эътиборга олиб, таълим тизимида инглиз тилини баҳолаш соҳасидаги илғор ишланмалар ва тажриба алмашиш, жумладан, тил синови бўйича Британия Кенгашининг байроқдори — “New Directions Series” билан ҳамкорлик зарур. Шунингдек, “British Council” қошидаги таълим ташкилоти билан янги лойиҳалар ишлаб чиқишни ривожлантириш, глобал таълим дастурлари контентини яратиш лозим. Замонавий янги таълим усулларини жорий қилишимиз даркор.

*Бешинчидан*, Британия университетлари кутубхоналари иш тажрибасини ўрганиш, рақамли китоб платформаси, 24/7 вақт режимини ташкил қилиш керак. Британия билан инклюзив таълим соҳасида ҳам ҳамкорлик қилишимиз лозим. Чунки бу йўналишда апробациядан ўтган кўплаб контентлар ҳозирги кунда ЕИ давлатларида қўлланилади.

Мавриди келганда айтиш жоизки, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда Оксфорд университети ўртасида ўзаро келишув натижасида “Ўзбек мактаби” жамоаси томонидан яратилган “Хорижликлар учун ўзбек тили” (“A1” ва “A2” даражалар учун) дарсликлари асосида Оксфорд университетида ўзбек тили курси очилгани ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

*Олтинчидан*, Британия илмий ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш жуда муҳим. Хусусан, Британия Кенгаши кўмагида таълим тизими профессор-ўқитувчиларига замонавий педтехнологиялардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш бўйича тренинглар ташкил этиш ва ушбу давлатнинг замонавий таълим ресурсларини олишга имконият яратиб бериш зарур.

Хуллас, таассуротлар бир олам. Мазкур давлатни бемалол илм-фан, инновация ва таълим давлати, дейиш мумкин. Буюк Британиянинг юқори даражада рақамлашган таълим соҳаси бутун дунёга бирдек андоза бўла олади. Шундай экан, таълим соҳасида Ўзбекистон — Британия ҳамкорлигининг янги истиқболлари таълим сифатининг ошишига олиб келиши, шубҳасиз. Бу ишда эса ҳар бир таълим соҳаси ходими қўлидан келганича ўз ҳиссасини қўшади, деб ишонамиз.

**Муҳиддин КАЛОНОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий-тадқиқот маркази директори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 18 433 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиёров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.25 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6